Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 10-yanvar. Payshanba • 4 (31.594) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Қарор ва ижро

## МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ

*фойдаланишга топширилди*

**Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига биноан ўтган йиллар мобайнида Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида, Қораўзак ва Шуманай туманларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Яқинда улар сони яна биттага кўпайди.**

Қиймати 2 миллиард 138 миллион 500 минг сўм бўлган, 150 ўринга мўлжалланган 8-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби Чимбой туманида бунёд этилиб, янги йил арафасида фойдаланишга топширилди. Мактабнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги, халқ таълими мутасаддилари ва жамоатчилик иштирок этди.

**Мнажатдин ҚУТЛЫМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Тадбир

## МУҚАДДАС БУРЧ

**Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Қарши ҳарбий госпиталида Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида «Ватанга хизмат қилиш — муқаддас бурч» мавзусида тадбир уюштирилди.**

Унда сўзга чиққанлар ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгалиги, инсон ўз юртини севиши, унинг ривожи учун бор имкониятини ишга солиши лозимлиги тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Тадбирда бир гуруҳ ҳарбий госпитал ходимларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Музаффар ТУРОПОВ**

Болалар спорти

## ҚИШКИ ТАЪТИЛ МУСОБАҚАЛАРИ



**Пойтахтимизда 5-9-синф ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» мусобақасининг туман босқичлари давом этмоқда.**

Мусобақа Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ўқувчи-ёшларнинг таътил кунларини мазмунли ташкил этиш, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида қатнашадиган пойтахт жамоаси таркибини шакллантириш мақсадида ўтказилмоқда. Унда ўғил-қизлар спортнинг 12 тури бўйича иштирок этаётир.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Югнакий» болалар спорт мажмуасида ўтказилган ана шундай мусобақалардан бирида туман умумтаълим мактаблари ўқувчилари стол тенниси бўйича куч синашди. Баҳсда 208-умумтаълим мактаби ўқувчилари Дониёр Маҳкамов, Марсел Шайхуддинов, Розалина Ҳожиева ва 171-мактаб ўқувчиси Анастасия Юнош ғолиб чиқди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**

Фракция йиғилиши

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

*кафолати мустаҳкамланмоқда*



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Йиғилишда фракция аъзолари, тегишли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

**Фракция аъзолари ҳар бир қонун лойиҳасини партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш нуқтаи назаридан атрофлича таҳлилдан ўтказди.**

**«Силнинг олдини олиш ва уни даволашга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси Вазирлар Махкамасининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллигини камайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

**Комил ОЧИЛОВ, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

*— Мамлакатимизда сил бўйича эпидемиологик кўрсаткичлар МДҲга аъзо кўплаб давлатлардагига нисбатан 1,5 марта кам бўлишига қарамай, сил касаллигининг олдини олиш ва уни даволаш ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Қонун лойиҳаси бу борада мавжуд муаммоларга ечим топишга хизмат қилади.*

*Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикасида 2010-2015 йилларда сил касаллигига қарши курашишга қаратилган дастур тасдиқланган. Унинг асосий мақсади тегишли ҳуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштириш, сил билан касалланган беморлар ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, силга қарши курашиш соҳасида фаолият юритадиган давлат органларининг хориж ташкилотлари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштиришдан иборат.*

*Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.*

⇨ 2

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

# ЭЛЕКТОРАТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

*партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларини хотиржамликка берилишга йўл қўймаслиги керак*

**Партия сиёсий куч сифатида майдонга чиқар экан, жамиятдаги қайсидир ижтимоий қатламнинг манфаатини ҳимоя қилишни, бу йўлда қонуний воситалар ёрдамида кураш олиб боришни мақсад қилиб қўяди. Одамлар сиёсий партияга ишонч билдирган, уни қўллаб-қувватлаган, депутатликка номзодларига овоз берган экан, демак, бу партиянинг фаоллари, депутатлари хотиржам бўлишга, жамиятда вужудга келаётган турли ижтимоий масалаларда сукут сақлаб ўтиришга ҳаққи йўқ.**

ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ана шу масъулиятни чуқур англаган ҳолда партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш каби масалаларни ҳал этишда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда иш олиб боришга интилмоқда.

Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиясига 2012 йилнинг иккинчи чорагида Қораўзак, Тўрткўл ва Элликқалъа туманларида янги ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобидан аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш тўғрисидаги ҳамда Беруний, Қонликўл, Чимбой, Шуманай туманлари депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ҳокимият ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг бажарилиши тўғрисидаги масалалар киритилди. Мазкур масалалар сессия кун тартибига олиб чиқилишидан олдин ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ва доимий комиссияларда атрофлича муҳокама этилди.

⇨ 2

## НОТАРИАТ ИНСТИТУТИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ

*тартибга солишда муҳим восита*

⇨ 2

## «ЭНГ ЁШ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ»

*деган ном зиммамга катта масъулият юклайди, — дейди ЎзХДП аъзоси Зарнигор Аҳмедова*

⇨ 2



## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

⇨ 3



Футбол



# ЎЗБЕКИСТОН — «FAIR PLAY» СОВРИНИ СОҲИБИ!

**Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмаси (ФИФА)нинг 2012 йил якунларига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.**




Анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур тантанани бу гал мамлакатимизнинг миллионлаб футбол мухлислари ҳам интиқлик билан кутишганди. Боиси, Туркиянинг «Эскишеҳирспор» футбол клуби ва Гватемала мамлакати қаторида Ўзбекистон ҳам ФИФАнинг нуфузли совринларидан бири — «Fair play» («Ҳалол ўйин»)га номзод эди.

*(Давоми 4-бетда.)*



Фракция йиғилиши

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

## кафолати мустаҳкамланмоқда



Унга асосан сил касаллигига чалинган беморни мажбурий тартибда даволашни ташкил этиш, аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилиш, бу борада эпидемиологик ҳолатни яхшилаш билан боғлиқ муносабатлар такомиллаштирилаяпти.

**«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси таҳлил этилди.

**Қонун лойиҳасига кўра, болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг суд тартибини ўрнатиш белгиланмоқда. Бу миллий қонунчиликда жорий қилинаётган янги ҳуқуқий институт ҳисобланади.**

**Комила КАРОМОВА,**
**Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

*— Айтиб ўтиш керакки, амалдаги тартиб, яъни Оила кодексининг 151-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилмоқда.*

*Амалиёт кўрсатмоқдаки, болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда ҳоким кўпинча фарзандликка олувчилар билан шахсан учрашмаган ҳолда, васийлик ва ҳомийлик органлари тайёрлаган материаллар асосида қарор қабул қилмоқда. Бу фарзандликка олиш ҳақидаги қарорларнинг қонуний ва ижтимоий кафолатлари сусайишига олиб келиши мумкин.*

*Шуни ҳисобга олган ҳолда, фарзандликка олиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ваколатини судларга бериш таклиф этилмоқда. Бунда судларда ишлар ҳар томонлама чуқур кўриб чиқилиши, бундай ишлар ҳақида қарор қабул қилиш тегишли ҳуқуқий билимни тақозо қилиши инобатга олинган.*

**Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга, фарзандликка олишнинг сир сақланиши кафолати кучайиши ва ижтимоий муҳофаза тамойили мустаҳкамланишига хизмат қилиши фракция аъзолари томонидан алоҳида эътироф этилди.**

Йиғилишда, шунингдек, «**Лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси билан, хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга молиявий ҳисобот таркибидан асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни чиқариб ташлашни, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунга лицензия даъвогарининг аризасини қайта кўриб чиқишда лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Қонун лойиҳаси орқали аудиторлик амалларини аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ такомиллаштириш, мажбурий аудиторлик текширувидан ўтадиган хўжалик юритувчи субъектлар турларини кенгайтириш, аудиторлик хизматларини кўрсатишда иш сифати назоратининг самарадорлигини ошириш, аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган меъёрлар қабул қилиниши назарда тутилаяпти.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишга хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда, фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади, шу билан бирга, уни **такомиллаштириш жараёнида ўрта-махсус таълим муассасалари битирувчиларининг аудиторлик фаолияти билан шуғулланишини чеклаб қўймаслик кераклигини алоҳида таъкидлашди**.

**«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси муҳокамасида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар мамлакатимизда замон талабларига мувофиқ тарзда такомиллаштириб борилаётгани, бу ижтимоий муҳофаза тамойиллари мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этиши айтилди.

Таъкидлаш керакки, сўнгги уч йил мобайнида фракция аъзолари ташаббуси асосида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда мақсадли назорат-таҳлил ишлари олиб борилиб, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент эшитувлари ўтказилди. Мазкур эшитувлар давомида дастур ижроси изчиллигини ошириш мақсадида аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган эди. Қонун лойиҳасида, хусусан, ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олинган.

**Искандар АЗИЗОВ,**
**Ўзбекистон ХДП аъзоси:**

*— Қонун лойиҳаси билан Меҳнат кодексининг қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Улар асосан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқидан фойдаланиш имконини кенгайтиришга, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, иш топишда қийналаётган кишилар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар жорий этилишига хизмат қилиши билан аҳамиятли. Бу партиямиз дастурий мақсадлари амалга ошишига тўлиқ мос ва ҳамоҳангдир.*

***Хусусан, Меҳнат кодексига киритилаётган ўзгартишга мувофиқ фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича воситачилик билан шуғулланадиган ташкилотлар фаолиятининг қонуний асосларини шакллантириш назарда тутилаяпти. Мазкур ўзгартиш фуқароларнинг ишга жойлашиш (иш қидириш), касб ва қизиқишига мос иш топиш имкониятини кенгайтиради.***

*Меҳнат кодексига киритилаётган яна бир ўзгартишга асосан биринчи марта ишга кираётган таълим муассасалари битирувчиларини ишга қабул қилишда дастлабки синов муддатини белгилашга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилмоқда.*

Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш, уларда партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларини ифода этиш бўйича таклифларини билдиришди.

Шу асосда фракция муҳокама қилинган қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

# ЭЛЕКТОРАТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

## партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларини хотиржамликка берилишга йўл қўймаслиги керак

Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан сессиялар кун тартибига қатор масалалар киритилди. Хусусан, халқ депутатлари Беруний туман Кенгашининг 2012 йил 3 март куни ўтказилган сессиясида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларни бажаришда депутатларнинг фаоллигини ошириш тўғрисида»ги, халқ депутатлари Тўрткўл туман Кенгашининг навбатдан ташқари ўн бешинчи сессиясида «Тўрткўл туманидаги янги ишлаб чиқариш корхоналари ҳисобига аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш тўғрисида»ги ҳамда халқ депутатлари Чимбой туман Кенгашининг 2012-йил 29-июлда ўтказган сессиясида «Ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг бажарилиши тўғрисида»ги масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, ўтган йилнинг сентябрь ойида «Тахтакўпир ҳудудини табиий газ билан таъминлаш аҳволи тўғрисида»ги масала ЎзХДП депутатлик гуруҳи ва халқ депутатлари Тахтакўпир туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясида муҳокама қилинди. Унда туман ҳудудини табиий газ билан таъминлашнинг аҳволини яхшилаш, аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш бўйича амалий ишларни кучайтириш масалалари муҳокама этилди. Табиий газдан тежаб-тергаб фойдаланиш, уни етказиб берадиган ташкилотларнинг масъулиятини ошириш юзасидан таклифлар билдирилди. Доимий комиссия аъзоларига бу борада депутатлик назоратини кучайтириш вазифаси юклатилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шундай ташаббуслар орқали биз электоратимиз олдидаги мажбуриятимизни бажаришга ҳаракат қилаяпмиз. Бироқ фаолиятимизни камчиликлардан холи, деб бўлмайди. Айрим депутатлик гуруҳларимиз ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари ўртасида алоқа деярли узилиб қолган. Баъзи бошланғич ташкилотлар номигагина ташкил этилган. Аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ушбу камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда янги йил учун пухта режа ишлаб чиқдик.

Бу борада гап кетганда, Конституциянинг 20 йиллик байрами тантанасида 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши, маърузада белгилаб берилган олти муҳим йўналиш фаолиятимизни кучайтиришга асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис партиямиз депутатлик гуруҳлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги тегишли доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига аҳолининг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ қатор масалаларни олиб чиқиши кўзланган.

Шунингдек, Обод турмуш йилида ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўғри тақсимланиши устидан депутатлик назоратини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини ошириш олдимизда турган долзарб вазифалар ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги ишларни изчил ва самарали амалга ошириш йўлида партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари, депутатлик гуруҳлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб фаолият юритиши талаб этилади.

**Қувватбай ҚУРБАНБАЕВ,**
**ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси.**

Қонун — энг ишончли ҳимоя

# НОТАРИАТ ИНСТИТУТИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ

## тартибга солишда муҳим восита

**Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг мулкий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан улар ўртасида тузиладиган мулкий характердаги шартномаларнинг тўғри расмийлаштирилиши ҳамда томонлар зиммасига олган мажбуриятини ўз вақтида тўлиқ бажаришига боғлиқ.**

Мазкур шартномаларнинг тўғри ва белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилиши ҳамда уларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлашда нотариал идораларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Нотариус фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилади. Шу мақсадда у жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашади. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, томонлар тақдим этган битим лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради. Ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мослиги ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади. Амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантиради. Қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади.

Мустақиллик шарофати билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида кейинги йилларда қабул қилинган қатор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар нотариуслар фаолиятининг янада кенгайишига олиб келди.

Вилоятимиз бўйича 2012 йилда амалга оширилган нотариал ҳаракатларга статистик нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, 2912 та кўчмас мулкларни бошқа шахсларга ўтказиш билан боғлиқ (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш) битимлар ва 473 та васиятномалар тасдиқланган. 115 нафар эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи ва 917 та меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар берилган. 89638 та ҳужжатлар нусхаларидан олинган кўчирмаларнинг тўғрилиги тасдиқланган. 3133 та ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлиги шаҳодатланган, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, 145 та кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси тасдиқланган.

Бундан ташқари, қонунда белгиланган бошқа ҳаракатлар ҳам амалга оширилган. Булар жумласига ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш, кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома бериш, фуқаронинг тирик эканлиги, фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини, фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини ва ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш ва ҳоказолар киради.

Нотариуслар иш фаолиятида фаол масалалардан бири — уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражни, шунингдек, бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни шу мол-мулк жойлашган ҳудудда ҳамда муомалага лаёқатли фуқароларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган ва уларнинг ўзлари нотариусга шахсан тақдим этган васиятномаларини тасдиқлайди.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда амалдаги қонунчилигимизда биргина мерос бўйича нотариуслар томонидан мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш юзасидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади. Яъни, меросхўрларни мерос очилганлиги ҳақида хабардор этади, меросни ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризаларни қабул қилади. Мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилади. Мерос мол-мулкни қўриқлайди, унинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топшириқ беради, рўйхатга олиш ва уни сақлаш учун топширади. Мерос мол-мулкни сақлаганлик учун тақдирлайди, унинг қўриқланишига доир чора-тадбирларни тўхтатади, мерос мол-мулк ҳисобидан харажатларни тўлайди ва ҳоказо.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш ваколати ҳам нотариус орқали амалга оширилади. Шунингдек, у марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) аризасига кўра, умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш ёки мулкка бўлган ҳуқуқларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Хуллас, кундалик иш фаолиятимизда шахсимиз, маълумотимиз, меҳнат фаолиятимиз, оилавий муносабатларимиз ва бошқа кўпгина ишлар ҳужжатлар билан тасдиқланишини талаб қилади. Бу эса бизни нотариус хизматига етаклайди.

Нотариат институти ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

**Шуҳрат ҚЎЧҚОРОВ,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.**

Эртанги кун бизники, марра бизники

# «ЭНГ ЁШ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ»

## деган эътироф зиммамга катта масъулият юклайди, — дейди ЎзХДП аъзоси Зарнигор Аҳмедова

**Республика маънавият ва маърифат маркази «Энг фаол маънавият тарғиботчиси — 2012» кўрик-танлови ғолибларини эълон қилди. Унда қашқадарёлик Зарнигор Аҳмедова «Энг ёш маънавият тарғиботчиси» йўналишида ғолиб деб эътироф этилди.**



У болалигидан адабиётга, санъатга меҳр қўйди. Туман, вилоят миқёсида ўтказилган турли танловларда мунтазам равишда қатнашди. Унинг, айниқса, «Ёшлигим», «Ўзбекистоним» каби қўшиқлари мухлислар кўнглидан жой олди. Зарнигор Аҳмедова санъат соҳасидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ўзбекистон Миллий университетида ўқиш билан бирга маънавий-маърифий тадбирларда ҳам мунтазам иштирок этди.

— Зарнигорни ўқувчилик давридан биламан,— дейди **ЎзХДП аъзоси Шоназар Жовлиев.** — Меҳнат фаолиятини Чироқчи туман ҳокимлиги қошидаги Маънавият ва маърифат марказидан бошлаган кунларидан тиришқоқлиги билан ажралиб турарди, одамларга кўмак беришга интиларди.

Дарҳақиқат, Зарнигор ўз устида тинмай изланади. Чироқчидай катта туманнинг чекка қишлоқ, маҳалла ва мактабларига бориб оддий одамлар, турли касб эгалари билан суҳбатлашади. Айрим масалаларда ёрдам сўраб келганлардан маслаҳатини аямайди. Биз Зарнигорни тумандаги транспорт касб-ҳунар коллежида учратдик. Бу ерда у Обод турмуш йилида талаба-ёшлар билан ўтказиладиган тадбирлар режасини тузаётган экан.

— Кўплаб китобларни мутолаа қиламан ва улардан юртдошларимиз ҳаётига боғлиқ кўп нарсаларни ўрганаман, — дейди Зарнигор. — Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим. Чунки партиямизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби эзгу ғоялари юрагимга яқин. Кўрик-танловда «Энг ёш маънавият ва маърифат тарғиботчиси» деб топилганим зиммамга катта масъулият юклайди. Ҳозирда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияни, «Юксак маънавият — енгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобларни яна қайтадан қунт билан мутолаа қилаяпман. Чунки уларда баён этилган эзгу ғояларни, халқимиз олдида турган шарафли вазифаларни одамларимизга содда ва тушунарли тарзда етказиб беришни истайман.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ободлик кўнгилдан бошланади

# ОИЛАЛАРДАГИ ТЎКИНЛИК, ҚУТ-БАРАКА

## жамият бойлиги ва мустаҳкамлигининг асосий мезонидир

**Президентимиз томонидан 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилинишидан кўзда тутилган орзу ният, мақсадлар моҳиятини мушоҳада қиларканмиз, турмушимизнинг барча қирралари жамият учун қанчалик муҳимлигини англаймиз. Чунки обод турмуш, аввало оилалар ободлигини, маҳаллалар фаровонлигини, тотувлик ва тўкинчилик, тинчлик ва хотиржамликни тақозо этади. Тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат бор жойда файз бўлади, қут-барака бўлади, юрт равнақ топади, давлат мустаҳкамланади.**



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

*Қарши шаҳрида яшовчи Тошмурза ака Йўлдошев Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти. Хонадон бекаси Фазилат опа эса Қарши шаҳридаги 11-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Улар фаровон турмуш асосини ҳалол меҳнатда, деб биладилар. Уч ўғли олий маълумотли. Оиладаги уч келин ҳам педагог.*

*Тошмурза ака педагогик ишидан ташқари деҳқончиликка қизиқади. Бу қизиқиш уни олти сотих майдонда иссиқхона ташкил этишга ундади. Шу боис оила аъзолари бўш вақтини иссиқхонада, лимон, помидор ва бодринг парваришлаш билан ўтказади. Бу эса оилага ҳар йили камида 10-15 миллион сўм қўшимча даромад олиш имконини бермоқда.*

Келинг, шу ўринда Мустақиллик арафасида юртимиздаги оилаларнинг умумий аҳволи қандай бўлганини бир кўз олдимизга келтирайлик: аксарият оилаларда иш ҳақидан бошқа бирон-бир қўшимча даромад йўқ эди, косиблик ёки ҳунармандлик учун шароит етишмасди. Бизнес ёки тадбиркорлик билан қўшимча даромад топиш тақиқланган. Оқибатда аксарият оилаларимиз қашшоқ ҳолатда эди. Агар ўша пайтлар республика аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳамда картошканинг 50, сут маҳсулотларининг қарийб 60, шакар, қуруқ сут ва болалар озуқасининг 100 фоизи четдан келтирилгани инобатга олинса, қандай кун кечирганимиз янаям ойдинлашади.

Мамлакатимиз ва халқимиз учун мана шундай қалтис, танг пайтларда Юртбошимиз томонидан 1989 йил 17 августда **«Қишлокда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида»** тарихий қарор қабул қилинди. У минглаб, юз минглаб юртдошларимиз тақдирида бурилиш ясади, десак, муболаға бўлмайди.

Ўша даврда 2,5 миллион оилага илк бор ер участкалари тақсимлаб берилди. Агар 1990 йилда шахсий томорқа хўжаликлар ери 205 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1998 йилга бориб, бу кўрсаткич 550 минг гектардан ошиб кетди. Натижада кам таъминланган оилалар томорқадан даромад ола бошлади, кучли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантириб борилди. Жамиятдаги ижтимоий портлашлар муаммоси ана шундай оқилона тарзда ҳал этилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида узоқни кўзлаб кўрилган чора-тадбирлар натижасида оилалар иқтисоди мустаҳкамланиб, аҳоли турмуш даражаси ошиб борди. Айрим мисолларга мурожаат қилайлик. 1990-2010 йиллар давомида республика аҳолисининг ялпи даромадлари 8,6 баробарга ошди. Бу, аввало, мазкур давр ичида оила даромадлари таркибида прогрессив ўзгариш, яъни янги турдаги даромадлар ҳиссаси кўпайиши натижаси бўлди. Чунки бундай турдаги даромадлар улуши оиланинг умумдаромадлар ҳажмида 1990 йилда бор-йўғи 10 фоизини ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб мазкур ҳисса 47 фоиздан ортиқ бўлмоқда.

Экспертлар хулосаларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар, агар 1990 йилда аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда 24 фоизга кўпайди. Ҳозирда эса ушбу кўрсаткич, яъни ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга уй хўжаликлари республика умумий аҳолисининг 60 фоизидан кўпини ташкил этмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат: экспертлар тадқиқотлари натижаларига кўра, 2010 йилда ҳар 100 та хонадонга 132 та телевизор, 99 та совутгич, 64 та ДВД плейер, 145 та мобил телефон тўғри келган. Шунингдек, 1990-2010 йиллар давомида юртимизда шахсий автомобиллар сони 2,4 баробарга кўпайиб, ҳар 100 хонадонга 11,9 тадан 27,1 тага етди.

Маълумки, аҳоли жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда 1995 йилдан бошлаб аҳолининг омонатлари ҳажми барқарор ошиб бормоқда. Президентимизнинг Янги йил табригида таъкидланганидек, фақатгина жорий йилда аҳолимизнинг реал, яъни амалдаги даромадларининг ўртача 17,5 фоизга ошгани, давлат бюджетидан ойлик оладиган ходимларнинг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдори ўртача 26,5 фоизга ўсганлиги, худди шунингдек, даромадларнинг ошиши билан аҳолининг банкларда сақланаётган омонатлари ҳажмининг охирги уч йилда 2,4 каррага кўпайгани ҳам турмушимиз тобора фаровонлашиб бораётганидан далолатдир.

Бундай барқарор ўсиш миллий ривожланиш моделимиз тамойилларидан бири бўлган кучли, мустаҳкам ижтимоий ҳимоя тизимини ҳам яратди.

Мустақиллик йилларида давлат бюджети харажатларининг таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгариб, унинг таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни молиялаштириш асосий ўрин тута бошлади. Натижада 1990 йилда мазкур соҳага йўналтирилган харажатлар улуши 31,5 фоиздан 2000 йилда 42,5 фоизгача изчил ўсди. 2010 йилдан бошлаб эса, бу соҳага ажратилаётган улуш бюджет харажатларининг 59 фоизини ташкил этмоқда. Қолаверса, ёш оилаларни имтиёзли равишда уй-жой билан таъминлаш баробарида қишлоқларнинг замонавий қиёфаси яратилиб, қишлоқ инфратузилмасининг янада такомиллашувига эришилди. Бу соҳага сўнгги йилларда давлат бюджети ҳисобидан жуда катта миқдорда маблағлар ажратилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ушбу чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад — юртдошларимизнинг тинч ва фаровон турмуш кечириши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишдир. Давлатимиз раҳбари томонидан 2013 йилни «Обод турмуш йили», деб аталиши ҳам ушбу йўналишдаги ишларимизнинг узвий қисми, янги босқичи бўлади.

Шу ўринда, айрим мулоҳазаларни айтиш жоиз деб ўйлайман. Халқимизда «даромадга қараб буромад», деган гап бор. Шундай экан, ҳар бир оила ўз бюджетини режалаштириб бориши бозор иқтисодиётининг қатъий талабидир. Афсуски, уй-рўзғор хўжалигининг даромад ва харажатларини режалаштиришга етарлича эътибор қилинмайдиган оилалар оз эмас. Мисқоллаб йиғилади, ботмонлаб сарфланади.

Биз оила даромад ва буромадини режалаштириш маданиятини ўрганишимиз зарур. Оила даромад ва харажатларини рационал режалаштира билсак, тежаб қолинган маблағни болаларимизнинг таълим-тарбиясига, уларнинг спорт ёки турли ижодий тўгаракларда шуғулланишлари учун имкон яратамиз. Ҳар қандай тараққиёт — ТЕЖАМКОРЛИКни тақозо этади. Тежамкорлик эса, аввало оиладан бошланади.

Демак, оила иқтисодиётини тўғри йўлга қўйиш, мавжуд ресурсларни асраб-авайлаб, улардан унумли фойдаланиш орқали ҳаётимизни янада фаровон, турмушимизни обод қилишга, бир сўз билан айтганда, жамиятимиз равнақи, давлатимиз қудратини таъминлашга ҳисса қўшган бўламиз.

**Обиддин МАҲМУДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ



**Мамлакатимиз Президенти Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай деган эди: «Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизмат шароитларини яхшилашга қаратилган Давлат дастурларимизнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши керак».**

Дарҳақиқат, бугун ушбу устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Замонавий турар-жой бинолари, қисм ва бўлинмаларда бунёд этилаётган шинам ва ёруғ ётоқхоналар, барча қулайликларга эга ҳарбий шаҳарчалар юрт ҳимоячилари ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Ўтган йили Марказий ҳарбий округида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга замонавий турар-жой биноларининг топширилиши юрт ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган юксак эътибор намунаси бўлди.

— Ўтган йил оиламиз учун қўшалоқ байрамга айланди, — дейди сержант Шавкат Тоғаев. — Мустақиллик айёми арафасида бизга замонавий усулда қурилган шинам ва ҳар томонлама қулай уйнинг калити тантанали равишда топширилди. Айниқса, бундан турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг қувончи чексиз бўлди.

— Хурсандчилигимнинг чеки йўқ, — дейди майор Аброр Бозоровнинг рафиқаси Қизлархон Нуриддинова. — Биз ҳам оиламиз билан 2 хонали янги уйга кўчиб ўтдик. Турмуш ўртоғимнинг Ватан олдидаги камтарона хизматлари инобатга олиниб, уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирамиз.

— Ҳукуматимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга қаратилаётган эътибордан мамнунмиз, албатта, — дейди ҳарбий хизматчи Ғолиб Салимовнинг онаси Мусаллам опа Рўзиева. — Чунки ҳарбийнинг оиласи, хонадони тинч бўлса, унинг хизматида унум бўлади, эл-юрт осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилади.

Катта лейтенант Равшан Муҳаммаджоновнинг рафиқаси Зилолахон уйдаги шароитдан, айниқса, ошхонадаги қулайликдан хурсанд.

— Ошхонамиз кенг ва замонавий жиҳозланган, — дейди у. — Бундай шароитда овқат тайёрлашнинг завқи бошқача.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида ўтган йили Марказий ҳарбий округдаги ҳарбий оилалар учун 100 га яқин хонадон калитлари ўз эгаларига топширилди.

Давлат дастурига асосан, жойларда ҳарбий хизматчилар учун барча қулайликларга эга уй-жойлар билан бирга ижтимоий объектлар, мактаб, болалар боғчалари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилаётгани Ватан ҳимоячиларига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

# МУЗЕЙГА КЕЛУВЧИЛАР СОНИ

## рекорд даражага етди

***Париждаги Лувр музейи дунёдаги энг йирик ва ноёб экспонатларга бой маънавият маскани сифатида танилган музейлардан бири ҳисобланади.***



Музей матбуот хизматидан олинган манбаларга асосланиб ИТАР-ТАСС хабар тарқатишича, 2012 йилда музейга ташриф буюрувчилар сони рекорд даражага етди — салкам 10 миллион киши музей экспонатлари билан танишган. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 1 миллион кишига кўпдир.

Албатта, бундай натижага эришиш учун музей маъмурияти бир неча марта йирик кўргазмаларни уюштирди. Айниқса, мусулмон давлатлари тарихий санъати, қадриятлари намойиш этилган кўргазмалар катта қизиқиш уйғотди. Бу кўргазмага 650 мингдан ортиқ киши ташриф буюрган.

Умуман, таҳлиллар шуни кўрсатдики, музейга ташриф буюрувчиларнинг асосий қисми америкалик ва бразилиялик сайёҳлар бўлган. Хитойлик сайёҳлар эса учинчи ўринни эгаллаган. Музей томошасига келганларнинг 50 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир.

# ОСМОНДАГИ «ДАРЁ»ЛАР

## қандай пайдо бўлади?

***Шаррос ёмғирлар 2-3 кунлаб тинимсиз давом этавергач, ҳар қандай одам ўйлаб қолса керак: осмон шунча сувни қаердан оляпти? Қандай қилиб миллион-миллион тонна сув осмонда кўтарилиб турибди? Нега фақат ёмғир томчи-томчи бўлиб тушади, челакдан тўкилгандек тушмайди?***



Британиянинг Ридинг шаҳри университети олимлари бу каби саволларга жавоб топди, дея хабар беради «Мир новостей» газетаси. Улар сунъий йўлдошлар ва аэрокузатувлар ёрдамида шу пайтгача номаълум бўлган тинимсиз ёмғирларни келтириб чиқарувчи улкан ҳаво оқимлари ҳақида батафсил тасаввурга эга бўлдилар.

Аниқланишича, атмосфера нам ҳавони тропик ўлкалардан Европа шимолига олиб келувчи улкан ва жуда узун «чок»ларга эга. Бундай «чок»ларнинг ҳар бирида ҳаво оқими Темза дарёси сувидан минг марта кўп сувни олиб юради.

Атмосфера «дарё»лари кўринишидаги «чок»лар Амазонка дарёси сувига тенг сувни ерга «оқизиб», чексиз сув тошқинларини юзага келтириши мумкин.

Тропик Атлантика буғланиши натижасида шаклланадиган атмосферадаги бу оқимлар улкан ва чексиз булутларни ҳосил қилади.

Ўлчовлар шуни кўрсатдики, битта атмосфера «дарёси»нинг эни деярли 500 километр, узунлиги эса 4 минг километрга чўзилиши аниқланган. Буғ кўринишидаги оқимлар тоғли ҳудудлардан ўтиб, Ғарбий Англияга етиб келгач, нам ҳаво билан аралашади ва совиб, ерга ёмғир бўлиб тушади.

Атмосфера «дарё»лари қишда ҳам фаоллигини йўқотмайди.

Ҳозир олимлар атмосфера «дарё»ларидаги физик жараёнларни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилмоқда.

# БУРҒУЛАШ

## ойга парвоздан қийинроқ

***Ерни бурғулаб, унинг мантияси(Ернинг ички қобиғи)-дан намуна олишга тайёргарлик ишлари бошланди.***



Маълумки, мантия ер «пўстлоғ»идан кейинги 3 минг километр қалинликка эга сайёрамиз ядросини ўраб турувчи ўзига хос қобиқ бўлиб, бурғулаш ёрдамида унгача етиб бориш ойга парвоз қилишдан кўра анча мушкулдир.

Олимлар Тинч океанида ер «пўстлоғи» анча юпқа бўлган жойни аниқладилар, дея хабар беради «Мир новостей» газетаси. Бу жойда мантияга етиб бориш учун атиги 6 километр чуқур қазиш лозим бўлади холос.

Мазкур лойиҳа 1 миллиард долларга баҳоланди. Япония унда қатнашишга катта қизиқиш билдираётган мамлакатдир. Негаки, тез-тез содир бўлиб турадиган бузғунчи зилзилалар сирини мантия очиб беришига бу ерлик олимлар умид қилмоқда.

Лойиҳа муаллифларидан бири Британиянинг Саутгемптон университети мутахассиси Дэймон Тигл лойиҳани фан оламидаги энг йирик ишлардан бири деб ҳисобламоқда. Чунки бу ишда 10 километр узунликдаги қувурлар билан ишлашга тўғри келади. Бунинг устига бурғулаш ишлари океан тубида олиб борилади. Бу қуруқликдаги ишдан кўра анча мураккаб, аммо қуруқликда мантияга етиб бориш учун 60 километр чуқур қазиш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, халқаро экспедиция томонидан амалга оширилиши кутилаётган мазкур бурғулаш биринчи уриниш эмас. Американиклар илк бор бу ишга киришган, лекин самарасиз якунланган. 1980 йилларда эса собиқ иттифоқ олимлари Кола ярим оролида рекорд даражада, яъни 12 километр чуқурликкача бурғулашнинг уддасидан чиққан. Лекин лойиҳа охирига етказилмаган. 2011 йилда эса «Эксон мобил» компанияси Шарқий Сибирда 12 километр чуқурликкача бурғулашни амалга ошириб, мантияга етиб боришга ишончи сўнгани боис лойиҳани тўхтатган.

Эълон

**Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази**
**Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси**

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи танлов комиссияси таълим муассасасида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини

**ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

***Манзил:*** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 3-мавзе, 49-уй.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилояти Кенгаши жамоаси партия фаоли, «Шўртангазкимё» мажмуаси маиший хўжалик цехи бошлиғи **Эшбой ҚАРШИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт

# ЎЗБЕКИСТОН — «FAIR PLAY» СОВРИНИ СОҲИБИ!



Тақдимот маросимида дастлаб «Йилнинг рамзий терма жамоаси» эълон қилинди: дарвозабон — Икер Касильяс; ҳимоячилар — Дани Алвес, Херард Пике, Серхио Рамос, Марсело; ярим ҳимоячилар — Хаби Алонсо, Хави, Андреас Иньеста; ҳужумчилар — Лионель Месси, Фалькао, Криштиану Роналду.

«Йилнинг энг яхши аёл мураббийи» номинациясида эса ғолиблик АҚШ аёллар терма жамоаси бош мураббийи швециялик Пиа Сунхагега насиб этган бўлса, Испания миллий терма жамоаси бош мураббийи Дел Боске эса «Йилнинг энг яхши эркак мураббийи», деб топилди. ФИФА Президенти соврини германиялик афсонавий футболчи, таниқли мураббий Франс Беккенбауэрга топширилди.

Сўнгра голландиялик машҳур футболчи Рууд Гуллит «Fair play» соврини соҳиби номини эълон қилиш вақти келганлигини маълум қилди. Шу лаҳзаларда қалбларимизни ўзгача ҳаяжон чулғайди. Бирин-кетин номзодлар номи ўқиб эшиттирилди. Нуфузли соврин соҳиби — **ЎЗБЕКИСТОН!** Олқишлар остида мукофотни Бирлашган Араб Амирликлари вакили Али Бин Ҳусайн қўлидан Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси президенти Мираброр Усмонов тантанали равишда қабул қилиб олди. Эътиборлиси, бунгача ўтган йил якунларига кўра, Ўзбекистон футбол федерацияси ОФК томонидан «Fair play» соврини билан билан тақдирланганди.

«Йилнинг энг чиройли голи» номинацияси бўйича таъсис этилган Пушкаш соврини — Мирослав Сточ («Фенербахче», Туркия)га насиб этди. Аёллар ўртасида АҚШ терма жамоаси ярим ҳимоячиси Эмма Вамбач — «Йилнинг энг яхши футболчиси», деб эълон қилинди.

Тақдимот тантанасининг энг нуфузли мукофоти — «Олтин тўп»га бир йўла уч футболчи — Криштиану Роналду («Реал» Мадрид, Испания), Андреас Иньеста ҳамда Лионель Месси («Барселона» Испания) номзод сифатида рўйхатга олинган. Ғолиб номини эса италиялик футбол юлдузи Фабио Каннаваро эълон қилди — Испаниянинг «Барселона» ва Аргентина терма жамоалари футболчиси Лионель МЕССИ! «Йилнинг энг яхши ўйинчиси»га мукофотни ФИФА президенти Зепп Блаттер топширди.

Ўтган мавсумда 91 (!) марта рақиблари дарвозасини ишғол этиб, жаҳон рекордини ўрнатган Месси қаторасига тўртинчи бор «Олтин тўп» соҳиби бўлган ягона футболчига айланди. Бунгача Лио кетма-кет 2009, 2010, 2011 йилларда ҳам сайёрамизнинг «Энг яхши ўйинчиси», деб эътироф қилинганди.

**Эркин ХОЛБОБО**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Реклама







MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146
*19605 nusxada bosildi.*
*Nashr ko'rstkichi – 220*
*t — Tijorat materiallari*
O'zA yakuni — 20.25
Topshirilgan vaqti — 22.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5